

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

21

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларини рўёбга чиқариш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 январь,
3-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 10 январдаги 3-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарорда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«таълим соҳаларининг давлат таълим стандартларини, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари ва фанлар дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш»;

б) 4-банддаги «бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари» сўзлари «таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-иловада:

а) мундарижанинг:

5-бандидаги «таълим дастурлари» деган сўз «ўқув режалари ва фанлар дастурлари» деган сўзларга алмаштирилсин;

8-бандидаги иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

б) киришдаги «109-сон» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 24 июндаги 293-сон» сўзлари қўшилсин;

в) 1-банднинг олтинчи хатбошидаги «(бакалаврият йўналишлари, магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар)» сўзлари «(таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-банднинг:

саккизинчи хатбошидаги «таълим дастурини» сўзлари «ўқув режалари ва фанлар дастурини» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «таълим дастурларини» сўзлари «ўқув режалари ва фанлар дастурини» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «таълимнинг бакалаврият муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр» сўзлари «муайян таълим соҳасига (соҳа

таркибига) қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «таълим дастури» сўзлари «ўқув режалари ва фанлар дастури» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи — йигирма олтинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи — йигирма бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн тўртинчи хатбошидаги «таълим дастурининг» сўзлари «ўқув режалари ва фанлар дастурларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўқув режаси — олий таълимнинг муайян бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат»;

йигирманчи хатбошидаги «таълим дастурининг» сўзлари «ўқув режалари ва фанлар дастурларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«яқуний давлат аттестацияси — бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим ўқув режа ва дастурларининг бажарилиши сифатини баҳолаш»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Стажировка (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш) — магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш мақсадида таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрларни энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот олиб бориши»;

д) 4.1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.1. Стандартлар тоифалари.

Олий таълим стандартлари қўйидаги тоифаларга бўлинади:

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

• Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари — таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари;

Муайян таълим соҳасининг давлат таълим стандарти қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- зарварақ (титул);
- мундарижа;

- муайян таълим соҳаси (соҳа таркиби)нинг умумий таснифи;
- битирувчиларнинг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;

- ўқув режа тузилмаси;
- кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш.

Таълим соҳасининг давлат таълим стандарти иккита (бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари) қисмдан иборат бўлади»;

е) 4.2-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«• олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари»;

ж) 4.3-банднинг иккинчи хатбошидаги «таълим бакалаврият йўналиши ёки магистратура мутахассислиги» сўзлари «таълимнинг таълим соҳалари давлат» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 5-банднинг номланишидаги «таълим дастурлари» сўзлари «ўқув режалари ва фанлар дастурлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 5.1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «таълим дастурлари» сўзлари «ўқув режалари ва фанлар дастурлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режалари ва фанлар дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналишлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт»;

й) 5.1.1-бандда:

ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошиларидаги «бакалаврият» сўзидан кейин «таълим» сўзи қўшилсин;

йигирма биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим сифатига қўйиладиган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим»;

к) 5.2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5.2. Магистратура

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари бакалаврият таълим йўналишларининг ўқув режалари ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қўйидаги мажбурий блоklar ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Ўқув режалар ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт»;

л) 5.2.1-банднинг:

биринчи хатбошидаги «Таълим дастури» деган сўзлар «Ўқув режанинг ўқув фанлари» деган сўзларга алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Стажировка илмий тадқиқот ишлари тақозо этганда индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Стажировка:

• илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;

• иқтисод, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириши;

- амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;
- касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажариши кўзда тутилади»;

м) 6.1-банднинг саккизинчи ва ўн учинчи хатбошидаги «бакалаврият» сўзидан кейин «таълим» деган сўз қўшилсин;

н) қўйидаги мазмундаги 6.3-банд қўшилсин:

«6.3. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаblари олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади»;

о) 7.1-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7.1. Бакалаврият

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкмасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим — 63 — 70%;
- аттестация — 8 — 10%;
- таътил — 12 — 16%;
- малака амалиёти — 6 — 12%;
- битирув малакавий иши — 2-3%.

Назарий таълим ҳажми билим соҳаларига қараб фанлар блоклари бўйича қуйидаги жадвалга мувофиқ тақсимланади:

Блоклар номи	Билим соҳалари бўйича % ҳисобида					
	Гуманитар соҳа	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ	Ишлаб чиқариш ва техник соҳа	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	Хизматлар соҳаси
Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	23 — 25	15 — 20	15 — 17	15 — 17	15 — 20	15 — 20
Математик ва табиий-илмий фанлар	8 — 25	10 — 15	20 — 25	20 — 25	10 — 15	10 — 15
Умумқасбий фанлар	33 — 50	50 — 55	35 — 50	35 — 50	45 — 50	45 — 50
Ихтисослик фанлар	9-10	10 — 15	10 — 15	10 — 15	10 — 15	10 — 15
Қўшимча фанлар	5 — 7	5 — 7	5 — 7	5 — 7	5 — 7	5 — 7

Таълим йўналишининг «Умумқасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибидаги фанларга мос бўлган «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» ва «Математика ва табиий-илмий фанлар» блоки фанлари учун ажратилган ўқув юклама ҳажми мазкур таълим йўналиши ўқув режасининг «Умумқасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибига ўтказилиши мумкин.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 — 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Бакалаврият таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётини ўташ тартиби ва битирув малакавий ишини бажариш тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади»;

п) 7.2-банднинг:

иккинчи хатбошидаги «Кундузги» деган сўз «Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«• илмий фаолият — 50 — 55%.»;

ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«• танлов фанлари — 13 — 30%.

Магистратура мутахассисликлари талабаларининг илмий тадқиқот иши

ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (стажировка)ни ўташ тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади»;

р) 8.1-банднинг:

иккинчи хатбошида «бакалаврият» деган сўздан кейин «таълим» деган сўз қўшилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«яқуний давлат назорати олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича уларнинг ўқув режаларига мувофиқ равишда ўқув фанлари бўйича давлат аттестацияси, бакалаврият талабаси учун битирув малакавий иши ёки магистратура талабаси учун диссертация химоясини ўз ичига олади»;

с) 1 ва 2-жадваллар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 2-иловада:

а) Мундарижанинг 5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори

Билим соҳаси: Гуманитар соҳа — 100 000

Таълим соҳаси: Педагогика — 110 000

Таълим соҳаси: Гуманитар фанлар — 120 000

Таълим соҳаси: Математика — 130 000

Таълим соҳаси: Табиий фанлар — 140 000

Таълим соҳаси: Санъат — 150 000

Билим соҳаси: Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ — 200 000

Таълим соҳаси: Социология ва психология — 210 000

Таълим соҳаси: Журналистика ва ахборот — 220 000

Таълим соҳаси: Иқтисод — 230 000

Таълим соҳаси: Ҳуқуқ — 240 000

Билим соҳаси: Ишлаб чиқариш-техник соҳа — 300 000

Таълим соҳаси: Муҳандислик иши — 310 000

Таълим соҳаси: Ишлаб чиқариш технологиялари — 320 000

Таълим соҳаси: Компьютер технологиялари ва информатика — 330 000

Таълим соҳаси: Архитектура ва қурилиш — 340 000

Таълим соҳаси: Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари — 350 000

Билим соҳаси: Қишлоқ ва сув хўжалиги — 400 000

Таълим соҳаси: Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги — 410 000

Таълим соҳаси: Қишлоқ хўжалигида менежмент — 420 000

Таълим соҳаси: Қишлоқ хўжалик техникаси — 430 000

Таълим соҳаси: Ветеринария — 440 000

Таълим соҳаси: Ирригация ва мелиорация — 450 000

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот — 500 000

Таълим соҳаси: Соғлиқни сақлаш — 510 000

Таълим соҳаси: Ижтимоий таъминот — 520 000

Билим соҳаси: Хизматлар соҳаси — 600 000

Таълим соҳаси: Хизмат кўрсатиш соҳаси — 610 000

Таълим соҳаси: Транспорт — 620 000

Таълим соҳаси: Атроф-муҳит муҳофазаси — 630 000

Таълим соҳаси: Ҳаётий фаолият хавфсизлиги — 640 000

Таълим соҳаси: Ҳарбий таълим — 650 000»;

б) 1.1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.1. Давлат, жамият ва шахнинг амалдаги ва истиқболдаги эҳтиёжларига, шунингдек, янги талаб қилинаётган йўналишлар, биринчи навбатда, юқори ва инновацион технологиялар соҳаси бўйича меҳнат бозори конъюктураси ҳамда профессионал кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тенденцияларига мувофиқ олий таълимнинг Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган йўналишлари ва мутахассисликларини тартибга солиди»;

в) 1.2-банднинг учинчи хатбошидаги «жойлаштиришнинг» деган сўз «бандлигининг» деган сўзга алмаштирилсин;

г) 2-бандда:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«O‘z DSt 6.01.1:2007. Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Асосий қондалар»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«O‘z DSt 6.01.2:2007. Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Таснифлагич ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби.»;

д) 3.1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.1. Классификатор — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати. Унда олтита билим соҳаси назарда тутилган:

1. Гуманитар соҳа.
2. Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ.
3. Ишлаб чиқариш ва техник соҳа.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги.
5. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот.
6. Хизматлар соҳаси.

ж) 3.3-банднинг:

иккинчи хатбошидаги «таълим дастури» сўзлари «ўқув режалар ва фанлар дастури» сўзларига алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «таълим дастури» сўзлари «ўқув режалар ва фанлар дастури» сўзларига алмаштирилсин;

з) 4.1-бандда «вазирлигига» сўзидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

и) 4.2-банднинг:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бакалаврият йўналиши ёки магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўқув режаси лойиҳалари ва бошқа ўзига хос белгилари»;

й) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистра- тура мута- хассис- ликлари
	5-босқич	5А-босқич
ГУМАНИТАР СОҲА	100 000	
<i>Педагогика</i>	110 000	
Таълим йўналиши: <i>Математика ўқитиш методикаси</i>	5110100	
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика)		5А110101
Таълим йўналиши: <i>Физика ва астрономия ўқитиш методикаси</i>	5110200	
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (физика ва астрономия)		5А110201
Таълим йўналиши: <i>Кимё ўқитиш методикаси</i>	5110300	
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)		5А110301
Таълим йўналиши: <i>Биология ўқитиш методикаси</i>	5110400	
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (биология)		5А110401
Таълим йўналиши: <i>География ва ўқитиш методикаси</i>	5110500	
• Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география)		5А110501
Таълим йўналиши: <i>Тарих ўқитиш методикаси</i>	5110600	
• Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (тарих)		5А110601
• Таълим йўналиши: <i>Информатика ўқитиш методикаси</i>	5110700	
• Таълимда ахборот технологиялари		5А110701
Таълим йўналиши: <i>Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси</i>	5110800	
• Тасвирий санъат ва амалий безак санъати		5А110801
• Муҳандислик графикаси ва дизайн назарияси		5А110802
Таълим йўналиши: <i>Педагогика ва психология</i>	5110900	
• Педагогика назарияси ва тарихи (фаолият тури бўйича)		5А110901
• Педагогика ва психология		5А110902
Таълим йўналиши: <i>Касб таълими (йўналишлар бўйича)</i>	5111000	
• Касб таълими назарияси ва методикаси (мутахассисликлар бўйича)		5А111001
Таълим йўналиши: <i>Муסיқа таълими</i>	5111100	
• Муסיқа таълими ва санъат		5А111101
Таълим йўналиши: <i>Ўзбек тили ва адабиёти</i>	5111200	
• Ўзбек тили ва адабиёти		5А111201

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистратура мута- хассис- ликлари
	5-босқич	5А-босқич
Таълим йўналиши: <i>Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)</i>	5111300	
• Она тили ва адабиёти (тиллар бўйича)		5А111301
Таълим йўналиши: <i>Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)</i>	5111400	
• Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)		5А111401
Таълим йўналиши: <i>Чақириққача ҳарбий таълим</i>	5111500	
• Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (чақириққача ҳарбий таълим)		5А111501
Таълим йўналиши: <i>Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими</i>	5111600	
• Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (маънавият асослари)		5А111601
• Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (ҳуқуқ таълими)		5А111602
Таълим йўналиши: <i>Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш</i>	5111700	
• Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)		5А111701
Таълим йўналиши: <i>Мактабгача таълим</i>	5111800	
• Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим)		5А111801
Таълим йўналиши: <i>Дефектология</i>	5111900	
• Махсус педагогика, дефектология (мутахассисликлар бўйича)		5А111901
Таълим йўналиши: <i>Жисмоний маданият</i>	5112000	
• Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси		5А112001
Таълим йўналиши: <i>Меҳнат таълими</i>	5112100	
• Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (меҳнат таълими)		5А112101
Гуманитар фанлар	120 000	
Таълим йўналиши: <i>Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)</i>	5120100	
• Адабиётшунослик (тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича)		5А120101
• Лингвистика (тиллар бўйича)		5А120102
• Мумтоз филология (турлари бўйича)		5А120103
• Матншунослик ва адабий манбашунослик		5А120104

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистратура мута- хассис- ликлари
	5-босқич	5А-босқич
Таълим йўналиши: <i>Таржима назарияси ва амалиёти</i> (тиллар бўйича)	5120200	
• Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича)		5А120201
Таълим йўналиши: <i>Тарих</i> (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	5120300	
• Ўзбекистон тарихи		5А120301
• Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)		5А120302
• Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув (фаолият тури бўйича)		5А120303
• Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (мамлакатлар бўйича)		5А120304
Таълим йўналиши: <i>Археология</i>	5120400	
• Археология		5А120401
• Этнография, этнология ва антропология		5А120402
• Этногенез (ўзбек халқининг этник тарихи)		5А120403
Таълим йўналиши: <i>Фалсафа</i>	5120500	
• Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича)		5А120501
• Фалсафа (қўллаш соҳаси)		5А120502
• Этика ва эстетика		5А120503
• Онтология, гносеология ва логика		5А120504
• Таълим йўналиши: <i>Диншунослик</i>	5120600	
• Ислом тарихи ва манбашунослиги		5А120601
• Диншунослик		5А120602
Таълим йўналиши: <i>Жаҳон сиёсати</i> (минтақалар бўйича)	5120700	
• Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат		5А120701
Таълим йўналиши: <i>Шарқ фалсафаси ва маданияти</i>	5120800	
• Шарқ фалсафаси ва маданияти		5А120801
Математика	130 000	
Таълим йўналиши: <i>Математика</i>	5130100	
• Математика (йўналишлар бўйича)		5А130101
• Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика		5А130102
• Дифференциал тенгламалар ва математик физика		5А130103
Таълим йўналиши: <i>Амалий математика ва</i> <i>информатика</i>	5130200	
• Математик моделлаштириш ва сонли усуллар		5А130201
• Амалий математика ва ахборот технологиялари		5А130202
Табий фанлар	140 000	
Таълим йўналиши: <i>Биология</i> (турлари бўйича)	5140100	
• Биология (фан йўналиши бўйича)		5А140101
• Микробиология ва вирусология		5А140102

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистратура мутахассисликлари
	5-босқич	5А-босқич
• Ихтиология ва гидробиология		5A140103
• Биотехнология		5A140104
• Биофизика		5A140105
• Биокимё		5A140106
• Генетика		5A140107
Таълим йўналиши: <i>Физика</i>	5140200	
• Назарий физика		5A140201
• Физика (йўналишлар бўйича)		5A140202
• Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш		5A140203
• Конденсацияланган муҳитлар физикаси ва материалшунослик (турлари бўйича)		5A140204
• Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси, тезлаштирувчи техника		5A140205
• Электроника		5A140206
Таълим йўналиши: <i>Механика</i>	5140300	
• Назарий механика		5A140301
• Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси		5A140302
• Суюқлик ва газ механикаси		5A140303
Таълим йўналиши: <i>Астрономия</i>	5140400	
• Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича)		5A140401
Таълим йўналиши: <i>Кимё</i>	5140500	
• Кимё (фан йўналиши бўйича)		5A140501
• Материаллар ва моддалар кимёси (материаллар бўйича)		5A140502
• Нефть ва газ кимёси ва технологияси		5A140503
Таълим йўналиши: <i>География</i>	5140600	
• Иқтисодий ва ижтимоий география (ўрганиш объекти бўйича)		5A140601
• География (ўрганиш объекти бўйича)		5A140602
Таълим йўналиши: <i>Гидрометеорология</i>	5140700	
• Метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология (фаолият турлари бўйича)		5A140701
• Гидрометеорология (фаолият тури бўйича)		5A140702
Таълим йўналиши: <i>Геология</i>	5140800	
• Умумий ва ҳудудий геология (фан йўналишлари бўйича)		5A140801
• Геотектоника ва геодинамика		5A140802
• Геохимё, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геокимёвий усуллари		5A140803
• Минералогия, кристаллография, петрография		5A140804
• Уран геокимёси ва минералогияси		5A140805

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистра- тура мута- хассис- ликлари
	5-босқич	5А-босқич
• Геологик съёмка ва фойдали қазилмалар конларини қидириш		5А140806
Таълим йўналиши: <i>Геофизика</i>	5140900	
• Геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари		5А140901
• Сейсмология ва сейсмометрия		5А140902
• Нефть ва газ геофизикаси		5А140903
Таълим йўналиши: <i>Тупроқшунослик</i>	5141000	
• Тупроқшунослик (тадқиқот тури бўйича)		5А141001
• Экспериментал агрокимё		5А141002
Таълим йўналиши: <i>Гидрология (тармоқлар бўйича)</i>	5141100	
• Гидрология (ўрганиш объектлари бўйича)		5А141101
• Гидрогеология (ўрганиш объекти бўйича)		5А141102
• Сув ва сел омборларини ишлатиш		5А141103
• Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси		5А141104
Санъат	150 000	
Таълим йўналиши: <i>Бастакорлик санъати</i>	5150100	
• Бастакорлик санъати		5А150101
Таълим йўналиши: <i>Санъатишунослик (турлари бўйича)</i>	5150200	
• Театр санъати		5А150201
• Мусиқа санъати		5А150202
• Санъат назарияси ва тарихи (турлари бўйича)		5А150203
• Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш		5А150204
Таълим йўналиши: <i>Актёрлик санъати (турлари бўйича)</i>	5150300	
• Актёрлик санъати (турлари бўйича)		5А150301
Таълим йўналиши: <i>Режиссёрлик (турлари бўйича)</i>	5150400	
• Режиссёрлик (турлари бўйича)		5А150401
Таълим йўналиши: <i>Дирижёрлик (турлари бўйича)</i>	5150500	
• Дирижёрлик (турлари бўйича)		5А150501
Таълим йўналиши: <i>Вокал санъати (турлари бўйича)</i>	5150600	
• Вокал санъати (турлари бўйича)		5А150601
Таълим йўналиши: <i>Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)</i>	5150700	
• Фортепиано (орган)		5А150701
• Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)		5А150702
Таълим йўналиши: <i>Рангасвир (турлари бўйича)</i>	5150800	
• Рангасвир (турлари бўйича)		5А150801
• Кино ва телефильмнинг тасвирий ечими		5А150802
• Мультфильм ва компьютер мультипликацияси		5А150803
Таълим йўналиши: <i>Дизайн (турлари бўйича)</i>	5150900	
• Дизайн (турлари бўйича)		5А150901

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистратура мута- хассис- ликлари
	5-боққич	5А-боққич
Таълим йўналиши: <i>Графика (турлари бўйича)</i>	5151000	
• Дастгоҳ ва китоб графикаси		5А151001
Таълим йўналиши: <i>Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)</i>	5151100	
• Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)		5А151101
Таълим йўналиши: <i>Амалий санъат (турлари бўйича)</i>	5151200	
• Тасвирий ва амалий безак санъати (турлари бўйича)		5А151201
• Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш		5А151202
Таълим йўналиши: <i>Хореография (турлари бўйича)</i>	5151300	
• Хореография санъати ва хореография (турлари бўйича)		5А151301
Таълим йўналиши: <i>Техноген санъат (турлари бўйича)</i>	5151400	
• Овоз режиссёрлиги (турлари бўйича)		5А151401
Таълим йўналиши: <i>Кино-телеоператорлик</i>	5151500	
• Кинооператорлик		5А151501
• Телеоператорлик		5А151502
Таълим йўналиши: <i>Халқ ижодиёти (турлари бўйича)</i>	5151600	
• Халқ ижодиёти (турлари бўйича)		5А151601
Таълим йўналиши: <i>Маданият ва санъат муассасаларини таъкил этиш ҳамда бошқариш</i>	5151700	
• Маданият ва санъат соҳаси менежменти		5А151701
ИЖТИМОЙ СОҲА, ИҚТИСОД ВА ҲУҚУҚ Социология ва психология	200 000 210 000	
Таълим йўналиши: <i>Социология</i>	5210100	
• Социология (йўналишлар бўйича)		5А210101
• Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик ҳавфсизлиги		5А210102
Таълим йўналиши: <i>Психология (фаолият турлари бўйича)</i>	5210200	
• Психология (фаолият турлари бўйича)		5А210201
Журналистика ва ахборот	220 000	
Таълим йўналиши: <i>Журналистика (фаолият турлари бўйича)</i>	5220100	
• Журналистика (фаолият турлари бўйича)		5А220101
• Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича)		5А220102
• Телевидение ва радио эшиттириш		5А220103
• Ноширлик иши ва муҳаррирлик		5А220104
• Ахборот хизматлари технологиялари (фаолият турлари бўйича)		5А220105
Таълим йўналиши: <i>Архившунослик</i>	5220300	
• Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик ва архившунослик		5А220301

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистра- тура мута- хассис- ликлари
	5-босқич	5А-босқич
Иқтисод	230 000	
Таълим йўналиши: <i>Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i>	5230100	
• Иқтисодий назария		5A230101
• Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5A230102
• Макроиқтисодиёт		5A230103
• Микроиқтисодиёт		5A230104
• Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти		5A230105
• Эконометрика		5A230106
• Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари		5A230107
• Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш		5A230108
• Иқтисодиётда математик методлар		5A230109
• Демография. Меҳнат иқтисодиёти		5A230110
Таълим йўналиши: <i>Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i>	5230200	
• Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5A230201
Таълим йўналиши: <i>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш (тармоқлар бўйича)</i>	5230300	
• Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш(тармоқлар бўйича)		5A230301
Таълим йўналиши: <i>Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i>	5230400	
• Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5A230401
• Лизинг		5A230402
• Логистика		5A230403
Таълим йўналиши: <i>Божхона иши (фаолият турлари бўйича)</i>	5230500	
• Божхона иши (фаолият турлари бўйича)		5A230501
Таълим йўналиши: <i>Молия</i>	5230600	
• Давлат молиясини бошқариш		5A230601
• Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича)		5A230602
• Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5A230603
• Халқаро молия		5A230604
Таълим йўналиши: <i>Банк иши</i>	5230700	
• Банк иши (фаолият турлари бўйича)		5A230701
• Банк ҳисоби ва аудит		5A230702
Таълим йўналиши: <i>Солиқлар ва солиққа тортиш</i>	5230800	
• Солиқлар ва солиққа тортиш		5A230801

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалав- рият таълим йўналиш- лари	магистра- тура мута- хассис- ликлари
	5-боққич	5А-боққич
Таълим йўналиши: <i>Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)</i>	5230900	
• Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5А230901
• Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5А230902
• Бюджет ҳисоби ва назорати		5А230903
Таълим йўналиши: <i>Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)</i>	5231000	
• Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)		5А231001
Таълим йўналиши: <i>Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)</i>	5231100	
• Жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича)		5А231101
• Ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича)		5А231102
Таълим йўналиши: <i>Сугурта иши</i>	5231200	
• Сугурта иши		5А231201
Таълим йўналиши: <i>Пенсия иши</i>	5231300	
• Пенсия иши		5А231301
Таълим йўналиши: <i>Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)</i>	5231400	
• Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5А231401
Таълим йўналиши: <i>Баҳолаш иши</i>	5231500	
• Баҳолаш иши ва риелторлик (объектлар бўйича)		5А231501
Таълим йўналиши: <i>Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси</i>	5231600	
Таълим йўналиши: <i>Кадрлар менежменти</i>	5231700	
• Кадрлар менежменти		5А231701
